Биография

Акбаржон Матғозиев



1934 йил 27 августда Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида таваллуд топган. Мактабни битиргандан кейин Қўқон педагогика билим юртида, сўнгра Фарғона давлат педагогика институтида таҳсил олган. 1956 йили олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан тугатгач, 1962 йилгача Олтиариқ ва Учкўприк туманларидаги мактабларда ўқитувчилик қилган. 1962 йилдан умрининг охирига қадар Фарғона давлат университетида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент, профессор, кафедра мудири, декан, илмий ишлар бўйича проректор лавозимларида меҳнат қилган.

1963-1966 йиллари Тил ва адабиёт институтининг кундузги аспирантурасида ўқиб, 1966 йили “Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган.

1977 йили эълон қилинган “XIX аср ўзбек тилининг морфологияси” монографияси мутахассислар томонидан юқори баҳоланди, 1980 йилда “Эски ўзбек тили морфологияси бўйича тадқиқот (XVIII асрнинг охиридан XIX асрнинг 70 йилларигача)” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Ушбу тадқиқот ишида заҳматкаш олим туркий тиллар, хусусан, эски ўзбек тилининг сўз туркумлари бўйича, уларнинг тасниф асослари, луғавий ва грамматик хусусиятлари юзасидан дастлабки назарий фикрларни ўртага ташлади. Айниқса, XIX аср ўзбек тили морфологик хусусиятларига доир қарашлари ҳам синхрон, ҳам диахрон аспектда таҳлил қилинганлиги билан қимматли. Ушбу назарий фикрлар бугунги кунда ҳам ўзининг аҳамиятини йўқотган эмас.

Биография



Олимнинг 50 босма табоққа яқин илмий, илмий-оммабоп ва услубий асарлари, 100 дан ортиқ илмий мақолалари «Советская тюркология» (СССР Фанлар академияси журнали), “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Совет мактаби”, “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар”, “Фан ва турмуш”, “ФДУ Илмий хабарлар” журналларида эълон қилинган. Ўнлаб китобларга тақризлар ёзган ва муҳаррирлик қилган.

А.Матғозиев халқимиз тарихига оид нодир асарларни авлодларга етказишда ҳам самарали иш олиб борган. 1988 йили халқ оғзаки ижодининг ажойиб намунаси бўлган “Ҳотамнома”ни нашрга тайёрлади. Бир неча йил давомида “Фарғона водийси ўзбек шевалари фольклори, ёзма манбаларини ўрганиш” мавзуси бўйича илмий лабораторияга раҳбарлик қилди. Мирзо олим Мушриф қаламига мансуб “Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин” номли Қўқон тарихига оид қўлёзма асарни нашрга тайёрлади.

Унинг раҳбарлигида қатор номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган. Олимнинг “Қадимги туркий тил”, “Умумий тилшунослик”, “Тил тарихи”, “Ўзбек ёзма матнининг тараққиёт босқичлари” курслари бўйича тайёрлаган ва ўқиган маърузалари юқори илмий савияси билан ажралиб туради.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилгандан сўнг 1989 йилда А.Матғозиев раҳбарлигида “Таржимон” ассоциацияси ташкил этилди. Ўша пайтгача барча давлат ташкилотлари, муассасалар, корхоналарнинг ҳужжатлари рус тилида юритилар эди. Ассоциациянинг вазифаси барча ташкилотларга иш юритиш ҳужжатларини ўзбек тилига таржима қилишда кўмаклашиш, амалий ёрдам бериш, раҳбар ва ходимларни ўзбек тилида расмий иш қоғозларини расмийлаштириш бўйича ўқитишдан иборат эди.

Устоз ҳақида бир қанча очерклар, мақолалар ОАВ нашрларида эълон қилинган. Шунингдек, уларнинг илм ва ҳаёт йўли ҳақида “Türk dünyasi ortak edebiyati. türk dünyasi edebiyatçilari ansiklopedisi” (Cilt №4. Istanbul: Atatürk kültür merkezi başkanligi yayinlari, 2006)да батафсил маълумот бериб ўтилди ҳамда “Камтарлик тимсоли” (Фарғона, 2014) номли рисола нашр этилди.

Асарлари:

1966

История развития подчинительных союзов в узбекском языке. Автореф. канд. дисс. Ташкент
Эргаштирувчи боғловчиларнинг тараққиёт тарихи. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №1.
Ўзбек тилидаги айрим эргаштирувчи боғловчиларнинг тарихига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №3.
“Яъни” боғловчиси. “Совет мактаби” журнали, №2.
Ўзбек тилида эргаштирувчи боғловчиларнинг пайдо бўлиши йўллари ҳақида. “Ўзбекистонда ижтимоий фанлар” журнали, №5.

1967

Тўсиқсизлик боғловчиларнинг тараққиёт тарихи. Ленинобод ДПИ илмий асарлари. Тил ва адабиёт масалалари. Ленинобод.
“Бирпас” сўзи ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №5.

1968

Навоий ва Бобур. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №3.

1970

Аниқловчи эргаш гаплар тарихига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №6.
“Философия” терминининг дастлабки ўзбекча изоҳи. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №6.

1971

Сўзларнинг фонетик ўзгариши тарихидан. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №6.

1972

К истории фонетического изменения слов в узбекском языке. Журнал «Советская тюркология» Академия наук СССР, Баку, №1.
Ўзбек тилида сон категорияси тарихидан. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №4.

1973

Бадарға қилинган “оқ уйликлар”. “Фан ва турмуш” журнали, №3.
XIX аср ўзбек тилида уйғур тили элементлари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №3.

1974

Ҳарбий терминлар тарихига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №1.
Семантическое изменение слов внутренний фактор языка (на материале узбекского языка). Журнал «Советская тюркология» Академия наук СССР, Баку, №5.

1975

XIX аср ёдгорликлари тилида шева элементлари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №3.

Асарлари:

XIX аср ўзбек тилида сифат категорияси. А.Навоий номидаги СамДУ асарлари. янги серия. Самарқанд.

1976 XIX аср ёзма ёдгорликларида қадимги туркий тилга хос лексик элементлар. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали №4.

1977 XIX аср ўзбек тилининг морфологияси. Тошкент, ЎзССР “Фан” нашриёти.
Ўзбек адабий тилининг тараққиётида Мунисниng роли. Низомий номидаги Тошкент ДПИ илмий ишлари. Тошкент.
XIX аср ўзбек адабий тили ҳақида. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №6.

1978 Историко-этимологическое примечания Муниса в “Фирдаус ал-икбол”. Журнал «Советская тюркология» Академия наук СССР, Баку, №1.

1979 Грамматик инверсиянинг айрим кўринишлари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №6.
Исследование по морфологии староузбекского языка (конец XVIII до семидесятых годов XIX в.). Автореф. докт. дисс. Ташкент.

1980 О роли письменно-литературной традиции в формировании и развитии современного узбекского литературного языка. Журнал «Советская тюркология» Академия наук СССР, Баку, №5.

1982 Эски ўзбек тилида рус тилидан қабул қилинган сўзларнинг илк намуналари. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №1.
К истории согласования сказуемого с подлежащим в узбекском языке. Журнал «Советская тюркология» Академия наук СССР, Баку, №4.
Руник обидалар. “Фан ва турмуш” журнали, №12.

1985 Тил ва шахмат. “Фан ва турмуш” журнали, №4.

1986 Роль мотивации в образовании номинативных средств узбекского языка. Журнал «Советская тюркология» Академия наук СССР, Баку, №5.

1988 Ҳотамнома. Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.

1990 XIX аср ўзбек тилида амал-мансабга оид терминлар. “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали, №3.

1995 Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхоннинг “Мунтаҳаб ут-таворих” асари ҳақида. ФДУ Илмий хабарлар. №1-2.
Мирзаолим Муширф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. (сўз боши, транслитерация, луғат). Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти

1996 Ҳакимхон ибн Саййид Маъсумхоннинг “Мунтаҳаб ут-таворих” асарида темурийлар тарихининг баёни. ФДУ Илмий хабарлар. №1.